



Global Support Local Knowledge

Шартнома № 02/24-ж

«16» 07.2015 й.

Берилган сана 09.04.2016й.

NAZORAT-AUDIT

AUDITING COMPANY

«JIZZAX HUDUDIY ELEKTR
TARMOQLARI KORXONASI» АЖ
Жиззах шаҳар, Садовая кўчаси
60 уй. Почта индекси 130106
200344721

Ижобий Аудиторлик Хулосаси

Маъсулияти Чекланган Жамият шаклидаги «NAZORAT-AUDIT» аудиторлик ташкилоти томонидан «JIZZAX HUDUDIY ELEKTR TARMOQLARI KORXONASI» Акциядорлик Жамиятининг 2015 йил 1 январидан 31 декабрига қадар бўлган даври учун тузилган кўйидаги таркибдаги молиявий ҳисоботи текширилди:

- Бухгалтерия баланси - 1-шакл;
- Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот - 2-шакл;
- Пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот - 4-шакл;
- Ўз сармояси тўғрисидаги ҳисобот - 5-шакл;

Аудиторлик текширувидан ўтказиладиган молиявий ҳисоботнинг тайёрланиши ва ҳаққонийлиги учун хўжалик юритувчи субъектнинг раҳбарияти жавобгар ҳисобланади. Аудиторлик ташкилоти мазкур молиявий ҳисобот бўйича ўз хулосаси учун жавоб беради.

Биз аудиторлик текширувини АФМАга мувофиқ ўтказдик. Ушбу андозалар биз фойдаланувчиларни молиявий ҳисобот жиддий бузилишларга эга эмаслигига етарлича ишонч билан таъминлашимиз мумкинлигини такозо этади. Аудиторлик текшируви ҳаққонийликни ва молиявий ҳисобот ҳамда бошқа молиявий ахборотнинг қонун ҳужжатларига, шунингдек молиявий-хўжалик фаолиятининг ҳақиқий ҳолатига мувофиқлигини баҳолашга асосланади. Биз томонимиздан ўтказилган аудиторлик текшируви фикрни ифодалаш учун етарлича асослар беради деб ҳисоблаймиз.

Бизнинг фикримизча, хўжалик юритувчи субъект «JIZZAX HUDUDIY ELEKTR TARMOQLARI KORXONASI» Акциядорлик жамиятининг 2015 йил якуни бўйича молиявий ҳисоботи унинг молиявий аҳолини ҳаққоний ақс эттиради ва мазкур хўжалик юритувчи субъект амалга оширган молиявий ва хўжалик операциялари Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг талабларига мувофиқ келади.

МЧЖ шаклидаги «NAZORAT AUDIT»
аудиторлик ташкилоти директори:

Аудитор:

Назаров Б.Н.

(2014йил 26 апрель куни Молия Вазирлиги
томонидан берилган 05207-сонли сертификат.)

Умаров Р.А.

(2014йил 26 апрель куни Молия Вазирлиги
томонидан берилган 05207-сонли сертификат.)